

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2020 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

<p>Таҳририят ижодий жамоаси: Бош муҳаррир: и.ф.д. М.Э.Пўлатов</p> <p>Бош муҳаррир ўринбосари: доцент Д.Х.Асланова</p> <p>Масъул котиб: профессор М.Қ.Пардаев</p> <p>Муҳаррир: Ф.А.Сафаров, Техник муҳаррир: С.Хусенов, Корректор ва саҳифаловчи: Ҳ.Н.Очилова</p> <p>1 йилда 4 мартаба чоп этилади.</p> <p>Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.</p> <p>Таҳририят манзили: 140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси, 9-уй, тел.: +998(66)233-28-38, +998(66)233-17-88 факс: +998(366)231-12-53 эл.почта: samisiservis@inbox.uz</p>	<p>Таҳририят кенгаши раиси: М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисод фанлари доктори Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари: Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент</p> <p>Таҳрир кенгаши аъзолари: Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор М.Қ.Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори Б.К.Ғоибназаров – ЎзР Давлат Статистика кўмитаси Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази директори, иқтисод фанлари доктори, профессор. Д.Р.Зайналов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори О.М.Муртазаев – Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети Самарқанд филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори Р.Х.Эргашев – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори, иқтисод фанлари доктори И.С.Тўхлиев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори М.М.Мухаммедов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори К.Б.Уразов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Б.И.Исроилов – ЎзР Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор. Б.Абдукаримов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари номзоди Б.У.Нуруллаев – Самарқанд вилояти ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари</p>
---	---

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Ш.Х.Мухитдинов Худудларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш стратегик йўналишлари	
Т.О.Махмудов Наманган вилоятида тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унда моданинг ўрни	
С.Алиева Теоретические основы формирования прибыли предприятия	
ИННОВАЦИЯ	
Д.Д.Джалалова Инновацион технологияларни кенг жорий этиш – қишлоқ хўжалиги соҳасини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилдир	
Ш.А. Мусаева, Д.И. Усмонова, Ф.Ш. Усманов Инновационное развитие лёгкой промышленности Республики Узбекистан	
Ф.Б.Шакирова Теоретические аспекты влияния инвестиций и инноваций на экономической рост	
О.Э.Эрназаров Саноатда инновациялар ва уларни ривожлантиришнинг аҳамияти	
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
О.М.Пардаев Макроиктисодий таҳлилнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни ва унга рақамли иқтисодиётни киритиш масалалари	176
Х.Қ.Қаршибоев, Ж.Е.Рустамов Bo‘lajak iqtisodchilarni elektron axborot muhitida ko‘nikmalarini rivojlantirish	
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Р.Х.Эргашев, А.Д.Равшанов, Ж.Р.Қосимов Мева-сабзавот ва узум етиштиришнинг устувор йўналишлари	
Ш.О. Амиркулов Аграр соҳада инсон капиталининг функциялари ва уларнинг бажарилиши мониторинги таҳлили	
МЕҲНАТ ВА БАНДЛИК МУАММОЛАРИ	
Ш.С.Олгаев Инновацион ривожланиш шароитида бандликни шакллантириш йўллари	
Н.Ш.Мансурова Давлатнинг иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолаш	
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
А.Бектемиров Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти: муаммо ва ечимлар (1-мақола)	
Ф.А.Беккамов Тоғолди худудларда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш	

Йўллари	
Е. Ф. Jomonqulova, I. I. Omonov O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatish sohasidagi kamchiliklar va uni avtomatlashtirish borasida takliflar	
Н.У.Султанова Жамият тараққиётини юксалтиришда ижтимоий хизматларнинг роли ва аҳамияти	
И.Х.Шукуров, З.М.Базаров, С.Р.Рашидова Овқатланиш корхоналарида ўтказиладиган бракераж назоратини такомиллаштириш йўллари	
Н.Қ.Мамадиёров Аҳолининг жисмоний тарбия хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятидан қониқишини ҳисоблаш методикаси	
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Н.А. Ибрагимов Туристик компаниялар бизнес-жараёнларини рақамлаштириш истиқболлари	
Д.З. Норкулова, А.Ш. Суяров, М.Х. Гадоева Туризм соҳасини ривожлантиришда ҳудудий рекреацион фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари	
С.А.Абдухамидов “Минтақавий туризм” тушунчаси моҳияти ва Ўзбекистон вилоятларининг туристик минтақа сифатида шаклланиши	
К.М.Ибодов Самарқанд вилояти ҳудудий ресторан хизматлари бозори рақобатбардошлигини баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш масалалари	
З.Б.Наврўз-зода Зиёрат туристик кластери ва унинг органик тузилиши	
И.И. Аюбов Солиқ тўловларининг туризм соҳасида инвестициялар ҳажмига таъсирини эконометрик моделлаштириш	
Ф.Ф.Зоҳидов Пути повышения эффективности развития внутреннего туризма в Республике Узбекистан	
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Д.Р.Махмудова, А.Н.Холиқулов Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ва бошқарув самарадорлиги	96
Н.А.Еshquvvatova Aholi bandligini oshirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o‘rni	
О.М.Пардаева Оила хўжаликларида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таснифи	
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Д.Х.Холмаматов Сотувдан кейинги сервис – улгуржи савдо рақобатбардошлигини таъминловчи омил сифатида	
Н.Мурадова, Х.Бегматов	

З.Б.Наврўз-зода – Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

ЗИЁРАТ ТУРИСТИК КЛАСТЕРИ ВА УНИНГ ОРГАНИК ТУЗИЛИШИ

Аннотация: мақолада зиёрат туризмини ташкил этишнинг кластер ёндашуви моҳияти ва аҳамияти қараб чиқилган. Кластер тузилмасида яратиладиган қўшилган қиймат миқдорининг зиёрат ҳудудининг кўламига нисбатини ифодаладиган янги - “зиёрат кластерининг органик тузилиши” мультипликатори тўғрисида тавсилот бериб, уни ҳисоблаш формуласи тавсия этилган.

Калит сўзлар: зиёрат, зиёрат туризми, кластер, зиёрат кластери, кластернинг органик тузилиши, географик концентрация, қўшилган қиймат занжири.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “*Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмини ҳам жадал ривожлантириш зарур*” деб, таъкидлади [1]. Мамлакатимизда мавжуд бўлган бой зиёрат туристик салоҳиятидан халқ манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш ва муқаддас қадамжолар томон зиёратчилар оқимини кескин кўпайтириш учун зиёрат туризмини ривожлантиришнинг замонавий ёндашувларини излаш ва амалда қўллаш тақозо этади.

Зиёрат туризмини ривожлантиришнинг амалдаги анъанавий усул ва воситалари асосий сажда қиладиган муқаддас жойларни жозибали зиёрат дестинацияларга айлантириш, зиёратчиларни турли қатламларининг талаб-эҳтиёжларини тўлиқ инobatга олиш, зиёрат туристик хизматлари сифатини ошириш, туристик фаолиятни мажмуали ва кам харажатлар билан юритиш, давлат-хусусий шериклиги усул ва воситаларини қўллаш, зиёрат туристик фаолиятининг инновацион ва инвестицион фаоллиги ошириш, рақамли зиёрат туризмини ривожлантириш каби кенг қамровли ва самарали имкониятларидан янги Ўзбекистонни барпо этиш ва ривожланиш талаблари даражасида фойдалана олмаяпти. Бундай камчиликларини бартараф этиш учун хорижда синалган ва хизмат кўрсатиш соҳасини ҳудудий жиҳатдан самарали ташкил этишга қодир бўлган кластер ёндашувини зиёрат туризмини ривожлантиришда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Зиёрат туристик кластери ва унинг тузилиш бўйича бир нечта хорижий олимлари шуғулланиб келмақдалар. Жумладан, А.Ю.Александрова, О.В.Лысикова, М.А.Морозов, О.Н.Петрова, Н.В.Рубцова, Л.А.Ульянченко, М.Е.Porter, каби¹ кластер ва туристик кластерга оид илмий ишларини келтириш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Мақолада монографик тадқиқот усулидан фойдаланиб “кластер” тушунчасининг мазмун-моҳияти ёритилган. Унда тизимли таҳлилнинг декомпозициялаш усулидан фойдаланиб, кластернинг *ички тузилиши* аниқланган. Гуруҳлаш усулини қўллаб, зиёрат кластерининг *иқтисодий ва ташкилий тузилишлари* ажратилган. Мантикий таҳлил усулидан фойдаланилган ҳолда зиёрат кластерининг янги - “*органик тузилиши*” тавсия этилган. Юқорида қайд қилинган усуллардан фойдаланиш мақоланинг илмий натижалари ва самарадорлигини асослаш, хулоса ва тавсияларини илмий жиҳатдан таъминлаш имконини берди.

¹Александрова А.Ю.Туристские кластеры: содержание, границы, механизм функционирования. Современные проблемы сервиса и туризма.№1, 2007.С.51-61., Лысикова О.В. Саратовский туристско-рекреационный кластер: предпосылки создания и развития. Елец. Елецкий гос. ун-т им.И.А.Бунина.2009.С.47-52., Экономика туризма : учебник / М. А. Морозов, Н. С. Морозова, Г. А. Карпова, Л. В. Хорева. — М. : Федеральное агентство по туризму, 2014. — 320 с., Петрова О.Н. Кластер как инструмент обеспечения конкурентоспособности туристского комплекса региона. Региональная экономика: теория и практика. 2010. №13(148). С.45-51., Рубцова Н. В. Концептуальная модель туристского кластера: история вопроса и современный подход // Вестник РГГЭУ. 2014. №3 (71). Москва. С.49-70 URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kontseptualnaya-model-turistskogo-klastera-istoriya-voprosa-i-sovremennyy-podhod>, Ульянченко Л.А. Теория и методология реализации кластерного подхода в индустрии туризма (на примере Московской области). Автореферат дисс.. д.э.н. Санкт-Петербург. 2012. С. 50., Porter, М. Е. Clusters and the new economics of competition. Harvard Business Review, 76(6), 1998.P: 77-90.

Таҳлил ва натижалар. “Кластер” тушунчаси инглизча “*cluster*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўзбек тилида “гала-гала”, “қатор-қатор”, “тўплаш”, “тўда” каби маъноларини билдиради. Азалдан “кластер” деганда “маълум хусусиятларга эга бўлган мустақил бирлик сифатида кўриб чиқилиши мумкин бўлган бир хил элементларнинг бирлашмасини” [2] назарда тутардики, ушбу бирлашманинг хусусиятлари унинг таркибий қисмидаги элементларидан фарқ қилади. Агар кластерни бир бутунлик сифатида ўзимизга тасаввур қилсак, уни шакллантирадиган ички қисмларининг йиғиндиси ушбу бутунликка нисбатан камроқ ёки тескари, бутунлик сифатидаги кластер, унинг таркибий қисмларининг йиғиндисидан кўпроқ натижа беришга қодир бўлган ўзгача ташкилий-иқтисодий атама сифатида тавсиф бериш мумкин. Кластер кенг маънода – бу камдан-кам учрайдиган хоссаларга эга бўлган бир нечта ўхшаш элементларнинг ягона мустақил бирликка бирлашувидир.

Адабиётларда “кластер” тушунчасининг турлича ёндашувлари бўйича ҳар хил талқинлари мавжуд. “Кластер” атамаси Ўзбекистон таълим соҳасида ўқитишнинг фаол усули сифатида педагог ходимлар фаолиятида оммавий бўлган. Педагогик нуқтаи назаридан “кластер – бир бош кўринишда ўқув материалларни тизимлашнинг график услубидир” [3]. Педагогик усул сифатида кластер ахборотни график шаклида ташкил этиб, уни асосий мазмунли бирликлар бўйича ўзаро алоқаларини ифодалайдиган қисмларга ажратилади. Масалан, ўқитувчи туризм атамасининг мазмун-моҳиятини кластер усулида тушунтирмоқчи бўлса, уни турлари бўйича маданий, зиёрат, спорт, ёшлар ва бошқа туризм турларига; шакли бўйича кириш, чиқиш, халқаро туризмга, миқёси бўйича маҳаллий, минтақавий, давлат миқёсида гуруҳларга ажратиб, уларни муайян чизма орқали ифодалаган ҳолда талабаларга туризм ҳақида билимни тизимли етказилади.

“Кластер” атамасининг иқтисодий жиҳатига Гарвард университети профессори Майкл Портер эътибор қаратиб, унга “бу маълум бир соҳада ўзаро боғлиқ компаниялар ва муассасаларнинг географик концентрацияси” [4] деб, таъриф берилган. М.Портернинг кластерга берган ушбу таърифида “географик концентрация” ибораси эътиборга молик деб ҳисоблаймиз. Чунки, кластернинг ўзига хос хусусияти бир хил соҳадаги корхона ва ташкилотларни ҳамкорликда ишлашининг муваффақияти, айнан уларнинг географик яқинлигидан боғлиқ бўлиб қолади. Бу ерда бир хил соҳадаги корхона ва ташкилотларнинг горизонтал интеграцияси ҳақида сўз кетади. Улар вертикал тарзда боғланган бир тармокдаги ёки тармоқлараро корхона ва ташкилотлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиб ишлашлари ҳам мумкин. Яъни “кластер” зиёрат туризмни ташкил этишнинг шакли сифатида, биринчи навбатда туристик бизнес юритувчи субъектларининг ҳудудий бирлигини яратилишини тақозо этади. Бундай ҳудудий бирлик бўлмаса, кластернинг синергетик самараси юзага чиқмайди ва бундай хизмат кўрсатиш шаклини тармоқ ёки тармоқлараро ҳамкорлик дейиш мумкин бўлади.

“Туристтик кластер” – бу туризм соҳасида хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот ва муассасаларининг бирлашмасидир. Ушбу иборанинг турли талқинлари мавжуд. Бир гуруҳ олимлар туристик кластерни тор маънода – “минтақавий туристик-рекреацион тизим сифатида” [5], бошқалари уни кенг маънода - “худуднинг манфаатларини, мустақиллигини, рақобатбардошлигини ва барқарор ривожланишини кучайтиришга йўналтирилган минтақавий бошқарув механизми сифатида” [6] кўриб чиқадилар.

Зиёрат туризмни ривожлантиришнинг самарали усули сифатида кластернинг мазмун-моҳиятини ёритиш учун унинг *ички тузилишини* аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Адабиётларда асосан кластернинг иккита – *иқтисодий ва ташкилий тузилишлари* ажратилади. Кластернинг иқтисодий тузилиши – бу унинг вертикал тузилиши, унинг тармоқ кооперациясидир. Кластернинг иқтисодий тузилишини М.Портер аниқ тузиб берилган. Унинг тўрта “бриллиант ромблари”: 1) стратегия, тузилиш ва рақобат; 2) талабнинг ҳолати; 3) омиллар учун шарт-шароитлар; 4) турдош ва қўллаб-қувватловчи

соҳалар йиғиндиси, айнан қиймат яратиш билан боғлиқ тузилмаларини шакллантиришини ёрқин ифодалайди [7].

Кластерларнинг ташкилий тузилиши – бу унинг горизонтал тузилиши бўлиб, у кластер доирасида ҳудудий ҳамкорликни ифодалайди. Ташкилий тузилиши кластерларини шакллантирувчи тармоқ турлари бўйича бир-биридан фарқланади. М.А.Морозов туристик кластерлар таркибига туристик ресурсларни, туристик ва умумий инфраструктурани, соҳа кадрларини, сайёҳларни қабул қиладиган туроператорларини, таълим муассасаларини, ҳудуд тўғрисида маълумот манбаларини, давлат ва маҳаллий қўллаб-қувватлаш механизмларини киритишини таклиф қилади [8, 130 с].

Кластернинг иқтисодий ва ташкилий тузилишларини белгиловчи ва уларнинг ўзгаришларини ўзида акс эттирувчи унинг яна битта тузилиши олимларнинг эътиборидан четда қолиб келмоқда. Кластерни шакллантиришнинг методологик асосини ҳудудий-географик яқинлашиш ташкил этилиши ва кластерларнинг рақобат устунлигини таъминловчи муҳим восита сифатида қўшилган қиймат занжирини яратиш имкони мавжудлигини инобатга олган ҳолда биз зиёрат кластерининг янги - **“органик тузилиши”** ни ўрганиш масаласига эътибор қаратмоқчимиз.


Кластернинг органик тузилишини кластерларни шакллантирувчи бош мезонлари асосида тузиш мумкин бўлади. Гап шундаки, туризм соҳасидаги кластер мазмун-моҳиятига кўра “ҳудуд ва тармоқ белгилари бўйича маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) тизимидир”[9, 6 б]. Бундан келиб чиқиб, кластерларни шакллантирувчи иккита бош мезонни ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Булар, агар биринчиси кластерларнинг **“ҳудудга мансублиги”** бўлса, иккинчиси – кластердаги хизмат кўрсатувчи субъектларининг **“қўшилган қиймат занжири”** билан боғланганлиги ҳисобланади.

Зиёрат туристик кластернинг *ҳудудга мансублиги* муқаддас жойлар билан боғлиқдир. Чунки, туризм соҳасида кластерларни яратиш ва ривожлантиришда кластерларнинг айнан ҳудудий жиҳати муҳим аҳамият касб этади. Зиёратчи сафарга чиқиш олди, дастлаб ўз зиёрат мақсадидан келиб чиқиб, борадиган “зиёрат ҳудуди” ёхуд “туристик дестинацияси”ни шакллантиради-да, кейин бевосита зиёрат сафарига чиқади. Н.В.Рубцова тўғри таъкидлайдики, “туристик дестинациянинг чегаралари ва ролини ўзгариши туристик кластернинг географик концентрациясини белгилайди” [10, 64 б]. Зиёрат ҳудуди ёхуд зиёрат сафар мақсадини амалга оширишга мўлжалланган зиёратгоҳ, фикримизча, зиёрат кластерларининг ядросини шакллантиришнинг пойдевори сифатида хизмат қилади.

Зиёрат кластернинг қиймат ортирувчанлиги туристик хизматларни кўрсатадиган асосий ва қўшимча ташкилотларининг бир-бири билан иқтисодий ҳамкорлиги ва ушбу ҳамкорликдан иқтисодий манфаатдорлигини ифодалайди. Гап битта географик территорияда йиғилган зиёрат туристик хизмат кўрсатувчи субъектларининг қўшилган қиймат занжирида уланиши ҳақида кетаяпти. Туристик кластерда қийматнинг жамғариш тизими тўртта занжирлар туридан иборат бўлади: 1) таъминловларнинг қўшилган қиймат занжири (транспорт ва алоқа компаниялар); 2) жойлашиш воситалари ва кўнгил очиш масканлари занжири; 3) туристик маҳсулотни сотиш каналлари занжири (туроператор, турагентлар); 4) сайёҳларнинг занжири [11, 53 с.]. Бутун жаҳон туристик ташкилоти маълумотларига кўра, сайёҳларнинг етти кунли олис туристик ҳудудларда туришлари вақтида 10 та дан 20 тагача занжирлар ишга тушар экан. Сайёҳларга экскурсия бюроси, туристик адабиётларга ихтисослашган китоб ҳамда сувенир сотадиган дўконлар, суғурта компаниялар, валюта айирбошлаш шахобчалари, такси хизмати ва бошқа 30-50 та турли фирмалар хизмат кўрсатиш жараёнига жалб қилинади [12, 71 б.]. Яъни зиёрат туристик кластерларни яратиш жараёнида кластерга киритиладиган ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса *қўшилган қиймат яратишга* кодир бўлиши керак. Акс ҳолда, улар кластер ичида иқтисодий манфаат келтирмай-

диган, ортиқча хўжалик юритувчи субъект бўлиб қоладилар.

Зиёрат туристик кластерининг органик тузилиши диққатга сазовор муқаддас жойлари негизда зиёратчиларнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда шакллантирилган жозибали зиёрат ҳудуд (дестинация)лари ва туристик хизмат кўрсатиш технологик занжири билан боғлиқ субъектлари мутаносиблигини ифодалайди (1-расмга қаранг).



1-расм. Зиёрат туристик кластерининг органик тузилиши¹

“Кластернинг органик тузилиши” мультипликатори – унинг фаолият турида яратиладиган қўшилган қиймат миқдорининг ушбу кластернинг амалга ошириладиган территория кўламига нисбатини ифодалайди ва уни қуйидаги формула билан ҳисоблашни биз тавсия этамиз:

$$K_{от} = K_{ққ} \setminus K_{хк}$$

Бу ерда: **K_{от}** – кластернинг органик тузилиши;

K_{ққ} – кластер доирасида яратилган қўшилган қиймат миқдори;

K_{хк} – кластер ҳудудининг кўлами.

“Кластернинг органик тузилиши” мультипликатори кластер тузилмасида яратиладиган қўшилган қиймат миқдорини (кластернинг фойдаси плюс иш ҳақи) унинг ҳудуди кўлами (сотик ёки гектар)га нисбатини ифодалайди. Кластернинг органик тузилиши мультипликатори коэффицент шаклига эга бўлади. У бир-бирлик ҳудудга тўғри келадиган қўшилган қиймат миқдорини ифодалайди. Кластернинг органик тузилиши қанча юқори бўлса, бир-бирлик ҳудудда шунча кўпроқ қўшилган қиймат тўғри келади. Масалан, 1 га ҳудудни ишғол қиладиган муқаддас қадамжога анъанавий, кластерсиз усулда туристик фаолияти билан шуғулланиш натижасида агар 1,0 млн.сўм даромад тўғри келса, кластер ёдашувида ушбу ҳудудда туризм фаолиятини ташкил этишда трансакцион (келишувларни амалга оширишда вужудга келадиган) харажатларни қисқартирилиши ва синергетик самарага эришиш ҳисобидан зиёрат ҳудуди даромади 2-3 мартага кўпайиб бориш имконига эга бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келиб, бир қатор таклифларни берамиз:

1. Мамлакатимиздаги бой зиёрат туристик салоҳиятини кенг қамровда сайёҳлик фаолиятга киритиш учун туризм бизнесини юритишнинг замонавий шакли сифатидаги кластер усулидан фойдаланиш лозим.

2. Зиёрат туризмида кластерларни шакллантиришда унинг ҳудудга мансублиги ва кластердаги хизмат кўрсатувчи субъектларининг қўшилган қиймат занжири билан боғланганлиги инобатга олиш лозим.

3. Зиёрат кластерини “синергетик самара келтиришга қодир бўлган зиёрат туристик хизматлар кўрсатувчи ташкилот” сифатида тавсифлаш тавсия берилади.

¹ Манба: 1-расм муаллиф ишланмаси.

4. Муқаддас жойларнинг бир-бирлик ҳудудига тўғри келадиган қўшилган қиймат миқдорини ифодалаш мақсадида кластернинг органик тузилишининг мультипликаторини ҳисоб-китобини юритишни таклиф этилади.

5. Мамлакатимизда мавжуд бўлган минглаб муқаддас қадамжоларининг зиёратбоплигини ва халқаро нуфузини ошириш, ички ва ташқи зиёратчилар оқимини кескин кўпайтириш асносида янги Ўзбекистонда зиёрат туризмининг жадал ривожлантириш учун уни ташкил этишда кластер усулидан кенг фойдаланиш билан боғлиқ махсус чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалга ошириш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/ru/lists/view/3324> [24.01.2020].
2. Кластер — Википедия. www.wikipedia.org [30.11.2019].
3. Инструкция «Создание кластеров». <http://old.2spbg.ru/strp/libr/klaster.pdf> [12.02.2020].
4. Porter, M. E. Clusters and the new economics of competition. Harvard Business Review, 76(6), 1998.P: 77-90.
5. Лысикова О.В. Саратовский туристско-рекреационный кластер: предпосылки создания и развития. Елец. Елецкий гос. ун-т им.И.А.Булнина.2009. С.47-52.
6. Петрова О.Н. Кластер как инструмент обеспечения конкурентоспособности туристского комплекса региона. Региональная экономика: теория и практика. 2010. №13(148). С.45-51.
7. Майкл Портер. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. <https://e-libra.ru/read/505455-konkurentnoe-preimuschestvo-kak-dostich-vysokogo-rezul-tata-i-obespechit-ego-ustoychivost.html> [15.01.2020].
8. Экономика туризма : учебник / М. А. Морозов, Н. С. Морозова, Г. А. Карпова, Л. В. Хорева. — М. : Федеральное агентство по туризму, 2014. — 320 с.
9. Ульяновченко Л.А. Теория и методология реализации кластерного подхода в индустрии туризма (на примере Московской области). Автореферат дисс.. д.э.н. Санкт-Петербург. 2012. С. 50.
10. Рубцова Н. В. Концептуальная модель туристского кластера: история вопроса и современный подход // Вестник РТГЭУ. 2014. №3 (71). Москва. С.49-70 URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kontseptualnaya-model-turistskogo-klastera-istoriya-voprosa-i-sovremennyy-podhod> (дата обращения: 13.02.2020).
11. Александрова А.Ю. Туристские кластеры: содержание, границы, механизм функционирования. Современные проблемы сервиса и туризма. №1, 2007. С.51-61.
12. Public-Private Sector Cooperation: Enhancing Tourism Competitiveness\WTO Business Consul. Madrid: WTO, 2000. P.88.

<p>З.Наврўз-зода Паломническо-туристский кластер и его органическое строение</p>	<p>Z.Navruz-zoda Pilgrimage tourism and its organic structure</p>
<p>Аннотация: В статье рассматривается сущность и значение кластерного подхода организации паломнического туризма. Характеризуется и рекомендуется формула расчёта нового мультипликатора - «органическое строение паломнического кластера» как соотношения создаваемой в кластерной организации добавленной стоимости к масштабу паломнической дестинации.</p> <p>Ключевые слова: паломничество, паломнический туризм, кластер, паломнический кластер, органическое строение кластера, географическая концентрация, цепочка добавленной стоимости.</p>	<p>Abstract: The article discusses the essence and significance of the cluster approach to organizing pilgrimage tourism. Characterized and recommended the formula for calculating the new multiplication - “organic structure of the pilgrimage cluster” is as the ratio of the added value created in the cluster organization to the scale of the pilgrimage destination.</p> <p>Keywords: pilgrimage, pilgrimage tourism, cluster, pilgrimage cluster, organic structure of the cluster, geographical concentration, added value chain.</p>